

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил 20 октябрь куни жиноят ишлари бўйича Амударё туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, туман суди раиси Ж.Балтабаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Э.Жуманиёзов, тарафлардан давлат айбловчиси Амударё туман прокурорининг катта ёрдамчиси Р.Темирбаев, судланувчи XXXXXXXXX ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Саимбетов, фуқаровий даъвогар XXXXXXXXXнинг иштирокида, XXXXXXXXXга оид 1-2306-2501/92-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

1984 йил 3 май куни Амударё туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, ишсиз, муқаддам жиноят ишлари бўйича Хўжайли туман судининг 2017 йил 4 октябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилган, оилали, уч нафар фарзанди бор, Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани, “Қипчоқ” ОФЙ, “Дарё бўйи” ШФЙ, Олчазор кўчаси, 5-уйда уйда яшовчи, иш бўйича 2025 йил 22 апрелда муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 11 июлда олган XXXXXXXXXX (XXXXXXX)

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “д” банди билан айбланган.

Суд судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

XXXXXXX акаси раҳбарлик қилиб келаётган, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхат ўтган “XXXXXX” фермер хўжалигига тегишли Амударё тумани, “Беш том” МФЙ ҳудудида жойлашган бинода чорвачилик билан шуғулланиб келиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 319-сонли қарори талабларини қўпол равишда бузиб, 2025 йил 17 январь куни ушбу бинога ўрнатилган ЕХ-18 русумли, завод рақами 121206697650 бўлган электр ҳисоблагичдан ташқари уланиб, 16.573.377,06 сўмлик жами 6138,288 кВт/с электр энергиясини тижорат мақсадида ишлатиб келганлиги “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ “Энергосавдо” филиали Қорақалпоғистон Бўлинмаси Амударё туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган назорат тадбири натижасида аниқланган.

Судланувчи XXXXXXXXX суд мажлисида, тўлиқ иқдорлик билдириб, акаси XXXXXXX “XXXXXX” фермер хўжалигининг раҳбари эканини, ушбу



фермер хўжалигида чорвачилик билан шуғулланиб келишини, фермер хўжалигида қарздорлик сабабли электр энергияси тармоқдан ажратилгани учун, чорва хўжалигидаги электр ҳисоблагичга электр энергияси келиб турган жойини ажратиб ҳисоблагичдан ташқари сим тортиб, электр буюмларини ишлатиб келганини, ушбу ҳолат 2025 йил 17 январь куни “ҲЭТ” АЖ “Энергосавдо” филиали Қорақалпоғистон филиали Амударё туман бўлими ходимлари томонидан аниқланганини, етказилган зарарни тўлик қоплаганини, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бошқа бу каби ҳолатлар такрорланмаслигини баён қилиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Судланувчи XXXXXXXX эълон қилинган айбловга тўлиқ иқдорлик билдириб кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22, 95, 112-моддаларига мувофиқ текширилган ҳамда баҳоланган кўйидаги далиллар билан ҳам ўз исботини тўлиқ топган:

Жумладан, суд мажлисида сўроқ қилинган фуқаровий даъвогар XXXXXXXX кўйидагиларни, яъни 2025 йил 17 январь куни куни “ҲЭТ” АЖ “Энергосавдо” филиали Қорақалпоғистон филиали Амударё туман бўлими ходимлари томонидан Амударё тумани, “Беш том” МФЙ ҳудудида жойлашган “XXXXXX” фермер хўжалигига тегишли бинога ўрнатилган ЕХ-18 русумли, завод рақами 121206697650 бўлган электр ҳисоблагичдан ташқари уланиб, XXXXXXXX томонидан жами 6138,288 кВт/с электр энергиясини тижорат мақсадида ишлатиб келаётгани аниқланганини, бу ҳақда 35207-000251-сонли далолатнома расмийлаштирилганини, дастлабки қайта-ҳисоб китоб далолатномасига асосан 49.082.695,02 сўм ҳисоблангани, шундан сўнг суд ажримига асосан ўтказилган қайта-ҳисоб китоб далолатномасига асосан 16.573.377,06 сўм миқдорида ҳисобланганини, жиноят натижасида етказилган зарарни “ҲЭТ” АЖ “Энергосавдо” филиали Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаси Амударё тумани бўлимига ҳисобига ундириб бериш ҳақида берган кўрсатуви билан;

суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ XXXXXX кўйидагиларни, яъни “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ “Энергосавдо” филиали Қорақалпоғистон филиали Амударё туман бўлимида етакчи муҳандиси бўлиб ишлашини, 2025 йил 17 январь куни Амударё тумани, “Бештом” МФЙда жойлашган “XXXXXX” фермер хўжалигининг “Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари, талабларининг бажарилиши ва электр таъминотига уланиш аҳволини кўздан кечириш ўтказилганини, кўздан кечириш жараёнида электр ҳисоблагичининг тамғасини ўз бошимчалик билан бузиб, тўғридан-тўғри электр энергиясидан ҳар бири 0,018 кВтлик 6 та жами 0,072 кВтлик электр лампаси, 1 дона 1,9 кВтлик болгарка, 1 дона 0,55 кВтлик электр сув насоси ва 1 дона 4,0 кВтлик электр двигателдан фойдаланиб келаётгани аниқланганини, ҳолат юзасидан XXXXXXXX иштирокида 35207-000251-сонли далолатнома расмийлаштирилгани ҳақида берган кўрсатуви билан;

суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ И.Хожаметов гувоҳ XXXXXXнинг кўрсатувига ўхшаш кўрсатуви билан;



суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ XXXXXX қуйидагиларни, яъни “Худудий электр тармоқлари” АЖ “Энергсавдо” филиали Қорақалпоғистон филиалининг Амударё туман бўлими бошлиғининг ўринбосари лавозимида ишлашини, 2025 йил 17 январь куни Амударё тумани “Бештом” МФЙда жойлашаган “XXXXXX” фермер хўжалигида “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари, талабларининг бажарилиши ва электр таъминотида уланиш аҳволини кўздан кечириш ўтказилганини, кўздан кечириш давомида фермер хўжалигига ўрнатилган электр ҳисоблагичдан ташқари тўғридан тўғри электр энергиясидан 0,018 кВтлик 6 та жами 0,072 кВтлик электр лампаси, 1 дона 1,9 кВтлик болгарка, 1 дона 0,55 кВтлик электр сув насоси ва 1 дона 4,0 кВтлик электр двигателдан фойдаланиб келаётгани аниқлангани, ҳолат бўйича рейд тадбирларини ўтказган ходимлар томонидан XXXXXXXXX иштирокида 35207-000251-сонли далолатномаси расмийлаштирилганини, дастлаб тўғридан-тўғри фойдаланаётган электр энергиясига оид ҳеч қандай ҳужжат тақдим қилинмагани сабабли, жами ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдорини ҳисоб-китоби 18.178,776 кВт/соатни ташкил қилиб, етказилган зарар 49.082.695 сўм эканлиги аниқланганини, шундан сўнг суд ажримига асосан ўтказилган қайта-ҳисоб китоб далолатномасига асосан 16.573.377,06 сўм миқдориди ҳисоблангани ҳақида берган кўрсатуви билан;

суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ XXXXXX қуйидагиларни, яъни “Худудий электр тармоқлари” АЖ “Энергосавдо” Қорақалпоғистон филиали Амударё туман бўлими истеъмолчилар билан ишлар бўйича муҳандис лавозимида ишлашини, 2024 йил 27 сентябрь куни Амударё тумани “Бештом” МФЙда жойлашаган “XXXXXX” фермер хўжалиги томонидан фойдаланилган электр энергиясидан қарздорликни ундириш учун борганини, фермер хўжалигида мавжуд бўлган электр ҳисоблагичларни кўздан кечириб, электр энгиясидан фермер хўжалигининг қарздорлиги бўлгани сабабли истеъмолчининг электр қурилмаларини электр тармоқдан ўчириш далолатномасни рамийлаштириб, электр энергияни беришни тухтатиш бўйича 009892-сонли мухир қўйганини, “XXXXXX” ФХ раҳбарини танимаслигини бўлим томонидан тақдим қилинган маълумотлар асосида электр энергиясидан қарздорлиги бор истеъмолчиларнинг рўйхати бўйича бориб назорат қилиб тургани ҳақида берган кўрсатуви билан;

суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ XXXXXX гувоҳ XXXXXXнинг кўрсатувиغا ўхшаш кўрсатуви билан;

суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ XXXXXX қуйидагиларни, яъни Амударё тумани “Бештом” МФЙ худудида “XXXXXX” фермер хўжалигини ташкил қилиб, бошқариб келишини, фермер хўжалиги асосан пахта, ғалла ва бошқа деҳқончиликларни етиштириш билан шуғилланишини, фермер хўжалигининг ташкил этувчиси ва раҳбари ўзи эканини, укаси XXXXXXXXX ҳозирги кунда ҳеч қаерда буйруқ асосида ишламаслигини, укаси 2024 йил июнь ойида фермер хўжалигининг худудидан чоравачилик билан шуғилланиш учун қора мол боқиш мақсадида 10 сотих ер сўраганини, у рози бўлиб, ер берганини, ундан кейин укаси қора-мол боқиш учун ускуналарини олиб келганини ва бошқа шароитларини яратиб олганини, яъни сув насос, ўт



майдалайдиган ускунани ишлатиш учун электр ҳисоблагич ўрнатганини, ушбу ускуналардан фойдаланиш учун укаси “XXXXXX” фермер хўжалиги номидан “Худудий электр тармоқлари” АЖ “Энергсавдо” филиали Қорақалпоғистон филиалининг Амударё туман бўлими билан электр энергия етказиб бериш бўйича 2024 йил июнь ойида шартнома тузганини, 2024 йил сентябрь ойи бошида “XXXXXX” фермер хўжалигининг электр энергиясига пул ўтказмагани сабабли ток ўчиб қолганини, шундан сўнг укаси XXXXXXXXX электр ҳисоблагич тамғасини бузиб очиб, тўғридан-тўғри электр энергиясидан ноқонуний йўл билан фойдаланиб келганини билганини, жорий йилнинг 17 январь куни “XXXXXX” фермер хўжалигида “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари, талабларининг бажарилиши ва электр таъминотига уланиш аҳволи “ХЭТ” АЖ “Энергосавдо” филиали Қорақалпоғистон филиалининг ходимлари томонидан кўздан кечирилиб, 35207-000251-сонли далолатнома расмийлаштирилганини, ҳозирда укаси етказилган зарарни тўлиқ қоплаб бергани ҳақида берган кўрсатуви билан;

Бундан ташқари, судланувчи XXXXXXXXXнинг айби жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар, яъни электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги ҳақидаги 35207-000251-сонли далолатнома, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомалари, чизмалари ва фотоиловалари, 2025 йил 14 октябрдаги қайта-ҳисоб китоб далолатномаси ҳамда иш материалларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини тўлиқ топган.

Суд мазкур далилларни тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг талабларига риоя қилган ҳолда тўпланган ва ишончли далиллар деб ҳисоблайди ҳамда юқорида келтирилган далиллар йиғиндисини етарли деб топади.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи XXXXXXXXX томонидан, умумий фойдаланишдаги электр тармоқларига тижорат мақсадларда ўзбошимчалик билан уланиш йўли билан ўғирлик қилганида ифодаланган жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “д” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин. Судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари керак” – деб кўрсатилган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбининг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, айбдорнинг шахсини, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиши, Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Суд, юқорида қайд этилган қонун талаблари ва Олий суд Пленум Қарорларидаги тушунтиришларни эътиборга олиб, XXXXXXXXXга жазо тури ва меъёрини белгилашда, қилмишдан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганини, қарамоғида уч нафар фарзанди борлигини, оиласида ягона боқувчилигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жарима жазоси тайинлашни, жарима жазосини жиноят содир қилинган вақтдаги базавий ҳисоблашнинг 375.000 сўм миқдоридан келиб чиқиб белгилашни лозим топади.

Шунингдек, суд иш бўйича етказилган зарарни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган жами 49.083.000 сўм пул маблағидан 16.573.377,06 сўмни Ўзбекистон Республикаси “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ “Энерго савдо” филиали Қорақалпоғистон Бўлинмаси Амударё туман бўлими ҳисобига ўтказишни, қолган 32.509.622,94 сўмни судланувчи XXXXXXXXXга қайтаришни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасига асосан, жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга эканини инобатга олиб, судланувчига ҳукм устидан юқори турувчи судга шикоят қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддаси, ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:



XXXXXXXXXXXX (XXXXXXXXXXXX) Ўзбекистон Республикаси
ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “д” банди билан айбли деб топилсин.

XXXXXXXXXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-
қисми “д” банди билан базавий ҳисоблаш миқдорининг
20 (йигирма) баравари миқorida, яъни 7.500.000 (етти миллион беш юз
минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Тайинланган жарима жазоси давлат даромадига ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач;

- судланувчи XXXXXXXXга нисбатан қўлланилган муносиб
хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин;

- иш бўйича етказилган зарарни қоплаш учун топширилган ва
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамида
сақланаётган жами 49.083.000 (қирқ тўққиз миллион саксон уч минг) сўм пул
маблағидан 16.573.377,06 (ўн олти миллион беш юз етмиш уч минг уч юз
етмиш етти сўм олти тийин) сўм Ўзбекистон Республикаси “Худудий электр
тармоқлари” АЖ “Энергосавдо” филиали Қорақалпоғистон Бўлинмаси
Амударё туман бўлими ҳисобига ўтказилсин, қолган 32.509.622,94 (ўттиз
икки миллион беш юз тўққиз минг олти юз йигирма икки сўм тўқсон тўрт
тийин) сўм судланувчи XXXXXXXXга қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн
сутка ичида, судланувчи ва фуқаровий даъвогар эса ҳукм кўчирмасини олган
кундан эътиборан шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Амударё туман
суди орқали Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича
судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят беришга, прокурор протест
билдиришга ҳақли. Апелляция тартибида шикоят бериш муддати ўтгач эса,
кассация тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Раислик қилувчи

имзо

Ж.Балтабаев

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

Ж.Балтабаев

